O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
PISKENT TUMANI
HOKIMI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ПИСКЕНТ ТУМАНИ
ҲОКИМИ

QAROR
РЕШЕНИЕ

Пискент т. 1869-сон «25» сентябр 2018 йил

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 97-модда) 17-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 й, 29-30-сон, 277-модда; 2010 й., 35-36-сон, 300-модда; 2013 й, 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига асосида иш кўриб, Пискент тумани ҳокимлиги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилайди, иловада келтирилган ташкилотлар

учун ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сонининг 7 фоизи миқдорида, бу 233 кишини ташкил этади, шу жумладан:

14 ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 14,1 фоиз (33 киши);

умумий ўрта ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари тамомлаган ёшлар, шунингдек олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари 70 фоиз (165 киши)

сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун 5,15 фоиз (12 киши);

ногиронлар учун 3 фоиз (4 киши);

пенсия олди ёшидаги шахслар учун 0,8 фоиз (2 киши);

жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра тиббий тусдаги ҳарактердаги мажбурлов чоралар қўлланишидан озод қилинган шахслар учун 6,43 фоиз (15 киши);

одам савдоси қурбонлари учун 0,8 фоиз (2 киши);

2. Шахсларнинг кўрсатиб ўтилган тоифалари учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан, қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

3 Улар бўйича иш ўринлари заҳирага қўйиладиган касблар ва лавозимлар рўйхати:

Ўқитувчи, шифокор, ҳамшира, фаррош, қоровул, гидротехник, лаборант, котиба, ишчи, техник, тарбиячилар.

4.Ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласинлар.

5. Муҳтожлар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича туман ҳокимининг ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига қонун хужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланади.

6. Пискент туман ҳокимининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2018 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисидаги 1726-сонли қарори 2018 йилнинг 31 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Бандликка кўмаклашиш маркази беш кун муддатда ушбу қарорни иловада кўрсатилган ташкилотлар раҳбарларининг эътиборига етказсин ва қарор ижроси устидан назоратни таъминласин.

Туман ҳокими Ш.Т.Аҳмедов